
Фурқат туманида ишсиз ёшлар учун бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ташкилланди

Фурқат тумани "Чиркай" маҳалласида жойлашган касб-хунар мактаби биносида ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими билан ҳамкорликда "Бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси" ўтказилди.

Меҳнат ярмаркасида ишсиз ёшлар, "Хунарманд" уюшмаси, тумандаги 40 тадан зиёд бюджет ҳамда тадбиркорлик субъектлари ўзларининг 200 тага яқин бўш иш ўринлари билан қатнашдилар.

Ярмаркага 150 нафардан ортиқ иш билан банд бўлмаган ёшлар жалб этилиб, 103 нафарининг бандлиги таъминланди, шундан 23 нафарининг ҳужжатлари расмийлаштирилиб ишга жойлаштириш учун йўлланма берилди.

Шунингдек тадбиркорлик қилиш истагини билдирган 18 нафар ёшларни тумандаги 8 та хунарманд тадбиркорларга бириктирган ҳолда оилавий тадбиркорлик дастури асосида имтиёзли кредитлар олиш учун ҳоким ёрдамчилари тавсияси берилди. Тижорат банклари томонидан кредит ажратилиши мақулланди.

Ўтказилган бўш иш ўринларида иштирок этган 27 нафар ишсиз фуқароларга ўзларини қизиқтирган меҳнатга оид масалалар бўйича маслаҳатлар берилди.

2023-12-19 12:07:07